Ўзбекистон ШАРҚининг ЮЛДУЗИдир

Шарқ юлдузи

Адабий-ижтимоий журнал

2005

Биринчи фасл

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла Орипов—
таҳрир ҳайъати раиси
Бобур Алимов
Эркин Воҳидов
Хуршид Дўстмуҳаммад
Жуманиёз Жабборов
Тўлан Низом
Хайриддин Султонов
Сирожиддин Саййид
Александр Файнберг
Ибройим Юсупов
Пиримқул Қодиров
Рустам Қосимов
Ўткир Ҳошимов

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Абдулазиз Абдуқаҳҳоров
Туробжон Жўраев
Нурбой Жабборов
Фатҳиддин Муҳиддинов
Файзулла Муллажонов
Омон Мухтор
Ботир Парпиев
Бахтиёр Сайфуллаев
Неъматилло Худойберганов
Омонулла Юнусов
Ғайрат Шоумаров
Ислом Шоғуломов
Ашур Қодиров
Қаҳрамон Қуронбоев

БОШ МУҲАРРИР
МИНҲОЖИДДИН МИРЗО

Бахтиёр Карим
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Юсуф Файзулло
(Масъул котиб)

Икром Отамурод
(Назм ва адабиётшунослик бўлими мудири)
Баҳодир Мурод Али
(Наср ва мақолаНавислик бўлими мудири)

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

www.ziyouz.com kutubxonasi



Насрда руҳият тасвири

Бадиий ижод — тасаввурлар дунёси. Тасаввурни янгиламай туриб, адабиётни янгилаб бўлмайди. Адабиётимиз, хусусан, ўзбек ҳикоя ва қиссачилигидаги бугунги «янгилик»лар ҳам ҳаёт ҳодисаларини бадиий идрок этиш — тасаввурга сиғдириш ва тасвирлашда биз кўниккан усулларни эмас, улардан бошқачароқ воситаларни қўллашда кўринмоқда.

Дарҳақиқат, бугуннинг ҳикоя ва қиссаларида фикрнинг бадиий ифодаси ўзгарди. Бироқ, метафорага йўғрилган фикр тасаввурнинг метафорасига айланади, фикр қилинадиган метафора ҳис-туйғуларга уйғун идрокнинг ҳосиласи. Шу боис, бадиият эҳтиросли фикрдан туғилади, ижодкор эса ўз тасаввуридаги гўзалликни бадиий кашф этади, яратади.

Аммо, фожиадан гўзаллик яратиш мумкинми? Бу саволга ёзувчи Назар Эшонқулнинг «Тун панжаралари» номли қиссасидан жавоб топиш мумкин. Қиссада шундай тасвир келтирилади: «Она-бола беўхшов қилиб ёзилган «Ф» ҳарфига қуйиб қўйгандай ўхшайди, гўё «Ф» ҳарфига улардан андоза олишгандай. Улар менга ўхшаб бировга фойдаси тегмаётгани ва умуман тегмаслиги ҳақида эзилиб ўйлаб ўтирмайдилар, лекин чироқни белгиланган вақтдан ортиқчароқ ёқиб юборсанг, бошингда туриб олиб, қарғадай қағиллашни жуда яхши билишади. Уйда ифлос, бесаришта бир ҳолат ҳукм суради, менинг улар билан ҳатто қўшилиб чой ичгим ҳам келмайди; нодонлик ва ялқовлик ўтириб олган юзларига қараб, тоқат қилиб туролмайман. Шу сабабли улар мени ёмон кўришади — умуман улар тушликдан бошқа яна нимани яхши кўришаркан?» (Назар Эшонқул, «Тун панжаралари», Қисса, «Ёш куч» журнали, 2004 йил, 6-сон.)

Фақат ейиш-ичиш ҳирсига тобе одамларнинг лоқайд, фикрсиз, ҳиссиз ҳаётини ёзувчи ботқоқликка ўхшатади. Ботқоқлик — бу мақсадсизлик, эзгу ҳиссизлик, идроксизлик, фаҳмсизлик, бефарқлик... Ўша ботқоқлик ўз устидаги умидсиз одамларни комига тортиши аниқ. Нима учун одамлар тундан қўрқишади? Тун ҳам инсон умрининг бир қисми-ку? Ёзувчи бизга ана шу тунни тасаввур қилдиради, ҳис эттиради. «Атрофимизга ғафлат туни чўккан. Ичимиздан чиқаётган ҳид эса, ғафлат мосликларининг ҳидидир. Ҳафсаласизлик ва қўрқоқлик — булар ғафлат тунининг ҳибсхоналари».

Ёзувчи туннинг белги — аломатларига рамзийлик воситасида фалсафий-ҳаётий, мушоҳадаталаб маъноларни жойлаган. Тасаввуримиздаги тун ўзига хос белги сифатлари орқали кўз ўнгимизда намоён бўлади, аммо ёзувчи бизнинг тасаввуримизга ҳис қилинмаган, ҳали англанмаган бадиий умумлашмаларни сиғдиришга эришади. Аниқроғи, тасаввуримиз миқёсларининг кенгайишига таъсир, туннинг янги маъноларини, белги-хусусиятларини ифодалайди. Туннинг муаззамлигини, бепоён, қудратли, сеҳрли, маъюс ёки жозибали эканини ҳар ким ўзига хос тарзда идрок этади, ҳис қилади. Қисса қаҳрамонлари: «Тун — менинг умрим», дейди. Зеро, умримизнинг тунлари чексиз — чегарасиз эмас, уларнинг «темир панжаралар»и бор. Ёзувчи «фикр ўйини» воситасида (тун панжаралари — оддий тасаввур; «юрагим зим-зиё чоҳга ўхшайди, мен айтиб берганларим эса бу чоҳнинг панжаралари» — кўчим ҳосил қилиш орқали тасаввурга янги маъноларни жойлаш; «Ҳаётни кашф қилганинг сайин ўзингга ўзинг панжара қуриб борасан» — ҳаёт ҳақиқатини метафора усулида кашф этиш, тасаввурнинг олий нуқтаси) ана шуни ҳис қилиб, бу ҳақиқатнинг моҳиятини англашимиз учун ўз тасаввурларини: шайтон, тун, Сулаймон, кампир ва унинг қизи сингари рамзий образларга кўчириб ифода қилади. Шуни идрок этамизки, тасаввуримиз тулпори метин панжаралардан ҳатлаб ўтиб, бизни юксакликка, хаёлотнинг тубсиз осмонига элтади. Ўша юксакликдан қарасанг, «...сендан токи уфққача қип-қизил водий ястаниб ётибди. Водийда худди ўтиб бўлмас чўққи каби савол аломатлари қад кериб турибди, улардан ҳар бирининг тагида биттадан одам бош қўйганча ўлиб ётибди — гўё бутун умрларнинг хулосаси шудек, гўё бу ўзлари босиб ўтган йўлнинг рамзидек. Ўнгда ҳам, чапда ҳам шу манзара — савол харсанглари ва уларга бош қўйиб ётган жасадлар билан тўлган қип-қизил водий. Ғарбдан ҳам, жанубдан ҳам, шарқдан ҳам, шимолдан ҳам одамлар бу ажр водийсига қараб бошларини қуйи солганча секин кириб келяпти. Уларнинг бўйинларига осилган савол қўнғироқлари чор-атрофга мотам бонгидек мудҳиш садо таратиб турибди. Бу нима? Шуми дунё?! Нега у бунчалик тушуниксиз ва аянчли?!».

Асардан келтирилган ушбу парча орқали ҳаёт ҳақиқатини тасаввуримизга сиғдира бошлаймиз. Инсон ҳаёти давомида хилма-хил саволларга жавоб излайди. Юрт равнақи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқ фаровонлиги йулида улкан орзу-мақсадлар учун курашиб яшаган инсонлар ҳаётини ёзувчи «қип-қизил водийда савол ҳарсангларига бош қўйиб ётганлар» тимсолига жойлаган. Ҳар икки дунёда улар энг мушкул саволларга жавоб бериш масъулиятини олган буюк инсонлардир. Аммо инсоният рўбару келган саволларнинг охири йўқ, қанчадан-қанча умрлар уларга жавоб излаб ўтган, ҳатто охиратда ҳам ечилмаган муаммолар савол аломатига айланиб, одамлар бўйнига илинган. Манзарага эътибор қилинг: «Ҳар тарафдан одамлар ажр водийсига қараб бошларини қуйи солиб кириб келаяпти. Уларнинг бўйинларига осилган савол қўнғироқлари чор-атрофга мотам бонгидек мудҳиш садо таратиб турибди». Бу тасвирлардан мен ўз тасаввуримга шуларни сиғдира олдим: ечилмаган муаммолар ёки ҳаёти давомида ҳеч бир эзгу иш қилмаган, лоақал биргина саволга жонини койитиб, озгина эзилиб жавоб топишга эришмаган одамлар бўйнидаги қарз — савол қўнғироқлари мотам бонгидек атрофга садо таратиб турибди, яъни, «машҳарда улар яратган қаршисида, унинг ҳақ саволларига қай тарзда жавоб беришларини билмай бўйинлари эгик, уларнинг аросатда ўтган маънисиз ҳаётлари ҳақида бўйинларидаги қўнғироқчалари сўзламоқда...»

Ёзувчи шу тариқа рамз — тимсол; (савол ҳарсанглари, савол қўнғироқлари), ранграмз; (қора тун панжаралари, қип-қизил водий)дан фойдаланиб тасаввуримиз миқёсларини кенгайтиришга интилади, ҳис қилиб, тасаввур этганларимиздан эса, янги маънолар, мантиқли умумлашмалар чиқаришга ундайди. Бинобарин, ёзувчининг ўзи таъкидлаганидек, «тасаввур — идрок, заковат ҳидидир».

Ёзувчининг ўзига хос тасаввурлар дунёсига сингиб кетган гўзаллик аломатларини «Озод қушлар» номли ҳикоясидаги «Сен» ва «у» орқали янада ёрқинроқ ҳис қилиш мумкин. Ҳикоя қуйидаги тарзда бошланади: «XX аср мўъжизалар асри эканлигига сен ҳам ишонардинг. Сен ҳам бу асрдан мўъжиза кутиб яшардинг... Сен мўъжизасиз ҳам бахтли эдинг. Ер юзидаги миллионларча одамлардек осойишта ҳаёт кечирардинг. Ҳар ҳафтанинг сўнгида ўртоқларинг билан чойхоналарга, истироҳат боғларига борардинг. Ў ердан кайфиятинг кўтарилиб, баҳри дилинг очилиб қайтардинг. Бироқ негадир ўз ҳаётингни ўзгартирадиган, шавқу завқ олиб келадиган мўъжиза кутиб яшардинг». (Назар Эшонқул, «Озод қушлар», Ҳикоя, «Ёш куч» 2004, 6-7-сонлар.)

Ҳа, қандайдир ғайриоддий мўъжиза юз бериб, барча орзу-истаклари бир зумда амалга ошиб қолишини истайдиган одамлардан кўра, мўъжизани ўз қўлларим, интилишларим, заҳматли меҳнатим, азоб-уқубатларим билан яратаман, дегувчилар озлиги, айни ҳақиқат. Ҳаётини ўша саробга тўла ширин орзу-умид билан ўтказувчилар эса кўпчилик. Фақат бу сароб хаёллар пардасини ҳаётимизда рўй берғувчи жиддий ҳодисаларгина тўзитиши мумкин. Ҳикоя қаҳрамони ҳам ўзига тегишли мўъжазгина уйидан айрилгач, ўша кичик кулба унинг ватани бўлганлигини англаб етади, ўша ўзиники бўлган Ватан қадрини ҳис қилади, ёлғизлик, ватансизлик оғриқларини кечиради.

«Сен бу ватансиз қушларга қараб нималарни ўйлаган эдинг? Балким, сен уларнинг бежирим ва кескир қанотларига қараб озод қушлар ҳақида ўйлагандирсан? Балки уларга боқиб Ватан ҳақида ўйлагандирсан? Балки туйғуларингни каптарларга айлантириб, узоқ-узоқларга учириб юбормоқчи бўлгандирсан? Балки сен ҳеч қушларга қараб, уйсиз фақат ўзинг эмаслигингни, оламда миллионлаб уйсиз ва ватансизлар борлигини ўйлаб, ўзингни овунтиргандирсан?».

Афсуски, биз хаёлимизни жамлаб, ҳаётимиздан майда, ўткинчи, маънисиз жиҳатларни юлиб ташлаш учун имкон берилган лаҳзаларда ҳам ўзимизни алдаб, юпатиш учун баҳона излаймиз. «Бу кўргуликни кечираётган фақат мен-ми?», қабилида ўзимизни тинчлантирамиз. Ҳолбуки, ҳеч бўлмаганда, хом хаёлларимиз алдамчи рўё эканини тан олсаккина, юз берган ҳодиса сабабларини излаб, одил хулоса чиқариш имконига эга бўлар эдик.

Ёзувчи Назар Эшонқулнинг биз таҳлил қилган ҳар икки асарида ҳам муайян бир фикр илгари сурилмайди, балки ҳодиса, ҳолат тасаввур қилдирилади, аниқроғи, манзара бизнинг тасаввуримизга жойланади, фикрлашга эса йўналиш берилади. Мазкур асарлардаги тасвирлар сермаъно, сероҳанглиги билан диққатни тортади. Энг муҳими, ёзувчи қўллаган тасвирлар, таърифу тавсифлардаги мажозлардан қаҳрамонларнинг сирли, жозибали, мураккаб ва бетакрор руҳий дунёсини ёритишда фойдаланган. Шу жиҳати билан у яраттан асарлар мустақиллик даври ўзбек ҳикоя ва қиссачилигининг айрим хусусиятларини намоён этади.

Ёзувчи Шодиқул Ҳамронинг «Қора кун», «Қақнус қанотидаги умр» қиссаларини ҳам мустақиллик даври ўзбек насрида яратилган яхши асарлар сирасига киритиш мумкин. Мазкур қиссалар ҳам ўзбек адабиётига 80-йилларнинг иккинчи ярмидан кўриниш бера бошлаган рамзий-тахайюлий тасвир услубига мансуб. Бугунги кунда Шодиқул Ҳамро ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул каби ушбу йўналишда асарлар битмоқда. Шодиқул Ҳамронинг «Қора кун» қиссасида кўпроқ бугунги Лотин Америкаси адабиёти анъаналарининг таъсири сезилиб туради. Ҳатто, асарнинг баъзи ўринлари колумбиялик машҳур ёзувчи Габриэл Гарсия Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» асарини эслатади.

Шодиқул Ҳамронинг бу қиссасидаги воқеалар тасвири реалликдан йироқ. Асар сюжети тахайюлий воқеалар асосига қурилган.

Қиссада воқеалар тизимининг уч силсиласи мавжуд. Биринчиси, бир йил аввалги қаҳратон ва очарчилик. Иккинчиси, тобутнинг йўқолиши билан боғлиқ воқеалар. Учинчиси, жинни қизнинг ҳаёти. Ҳар уччала чизиқ бир-бирини тўлдиради. Улар алоҳида-алоҳида ҳолда ўз маъносига эга бўлгандек, умумлашган ҳолда ҳам ўзгача бир маъно касб этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асосий сюжет чизиғи тобутнинг йўқолиши билан боғлиқ воқеалар тизимидан ташкил топган. Чекка тоғ қишлоқларининг бирида тобут йўқолади. Бу қишлоқ дунёдан узилиб қолгандек чеккада ва дунёдан деярли бехабар эди. Қишлоқда ҳеч қандай ғайриоддий ҳодисалар бўлмаган ҳисоб. Фақат, анча олдин ўз-ўзидан ўт чиқиб тегирмон ёниб кетган ва яна ўша йўқолган тобут турган масжиднинг етти устунидан бири ўз-ўзидан қулаб тушган. Энди эса тобут йўқолди. Тобутнинг йўқолиши бутун қишлоқни саросимага солиб қўйди. Ҳамма тобутни кимдир ўғирлаб кетган деб ўйлайди. Бироқ: «Шу кун қишлоқ ҳар доимгидек тинч ва осуда эди. Одатдан ташқари, кўнгилга шубҳа ва ғулғула соладиган бирон воқеа содир бўлмаган, четдан ҳам қандайдир нотаниш кишилар келиб кетганига ҳеч кимнинг кўзи тушмаган эди». (Шодиқул Ҳамро, «Қора кун», Қисса, «Ёшлик» журнали, 1995 йил, 5-сон.)

Хўш, ёзувчи бу воқеаларни келтириш билан нима демоқчи? Келинг, бу саволга жавоб бериш учун рамзларнинг замирида қандай маънолар яширин эканлигини билиб олишга ҳаракат қилайлик. Тегирмон — бу ун чиқарадиган, яъни, нафс эҳтиёжларини қондирадиган восита, унинг ёниб кетиши нимани ифодалайди? Шу ўринда халқимизнинг «Нафсингга ўт тушсин!» ва «Нафсингга ўт кетганми?» каби ибораларини эслаш лозим. Нафсга ўт кетиши, нафснинг ҳаккалак отиши — нафсни жиловлай олмаслик демакдир. Иккинчи рамз бевосита бу рамзни тўлдиради, яъни, масжид — Оллоҳнинг уйи, кўнгил ҳам Оллоҳнинг уйи. Масжид устунининг йиқилиши кўнгилдаги иймоннинг қулаши. Зеро, кўнгил иморатининг устуни — иймон ва эътиқоддир. Юқоридаги иккала рамз ечими топилганидан сўнг, учинчи рамз ўз-ўзидан ечилади. Нафсга ҳирс қўйиш имоннинг сустлашишига олиб келади.

Қиссада нафснинг ҳаккалак отиб, иймоннинг сустлашуви, жинни қиз ва унинг тоғаси ўртасидаги муносабат тасвири орқали ёритилган. Қиссада тоға ўзининг жиянини зўрлайди. Қишлоқ ҳаёти кундан-кун ғайриинсоний ҳаракатлар билан тўлиб боради. Жувозчи ёғ сотишда қаллоблик қилади, тобуткаш тобут ясашни обрў деб билади. Болаларнинг ҳаракатлари эса ҳаммасидан ўтиб тушади. Улар Оқтепа деб номланган тепаликка чиқиб ҳамма қушларнинг тухумларини йиғиб олишади. Сўнгра қушларни ўз тухумлари билан уришади. Оқибатда қушлар бу қишлоқни тарк этадилар.

Қиссадаги жинни қиз билан боғлиқ воқеалар таъсирчан ёритилган. Шодиқул Ҳамро жинни қиз орқали қишлоқнинг фожиасини кўрсатиб берган. Қишлоқда ёлғиз жинни қизгина эътиқоди ва руҳиятини пок сақлай олган. У бунга соф инсоний муҳаббат орқали эришган. Жинни қиз чексиз меҳр ва муҳаббат билан яшарди. Қишлоқнинг болалари одам суякларини хор қилишганда, одамзоднинг бош чаноғини ёқишганда жинни қиз ўз сигирининг тўлғоқ азобларига қараб изтиробга тушади, ҳаттоки, ўзининг номусини поймол қилган кишига муҳаббат қўяди. Ҳамма қишлоқни ташлаб кетганда ҳам жинни қиз қишлоқда қолади. Чунки, офатга қишлоқнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Ҳамма бало одамларнинг ўзида, уларнинг қалбларида яширинган тубанликда эди.

Қисса охирида ҳамма қишлоқни тарк этади. Биринчи бўлиб мулла, мурдашўй ва фолбин кетади. Қисса ниҳоясидаги оқсоқол ва хотинининг ҳолати ҳам таъсирчан манзараларда тасвирланган. Қишлоқни ҳаммадан кейин оқсоқол тарк этади. Оқсоқол қишлоқдаги энг яхши кишилардан бири. Тобутнинг йўқолиши бежиз эмаслиги, бунда қандайдир илоҳий бир ҳислат борлигини биринчи бўлиб оқсоқол тахмин қилади. Қолаверса, тобутнинг йўқолганини ҳам биринчи бўлиб у сезади. «Аммо оқсоқол бу гал унга (хотинига) лом-мим деб жавоб бермади, зеро, унинг ўзи ҳам қаёқни қора тортиб боришини билмасди. У чуқур хўрсиниб қўйди-да, бошини хам қилиб кунчиқар томонга қараб имиллаб йўлга тушди. Хотини ҳам чор-ночор унинг изидан юрди». Шодиқул Ҳамронинг «Қора кун» қиссаси қатор фазилатларга эга бўлиш билан бирга, камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, қиссада сюжет қурилиши айтарлича муваффақиятли чиқмаган. Аниқроғи, қаҳратон қишдаги очарчилик воқеаси асосий воқеа билан етарлича боғланмаган. Натижада, бу қусур асарнинг равон ўқилишига халақит беради. Қолаверса, қисса, айни шу ўринда ҳам юқорида эслатилган «Ёлғизликнинг юз йили»ни ёдга солади. Шунингдек, асарнинг баъзи ўринларида рамзлар етарлича бадиий сайқал топмаган.

Эзгулик қанотидаги умр юксакликни забт этади, эзгулик эзгуликни яратади. Аксинча бўлсачи? Ёвузликдан эзгулик ёки эзгуликдан ёвузлик дунёга келиши мумкинми? Нима сабабдан? Саволларга берилажак жавоблар бизни саволларнинг ўзи каби ҳайратга солади, ҳаёт ҳақиқатининг, инсон дунёсининг англаб идрок қилинмаган жиҳатлари ҳақида фикрлашга йўллайди, тасаввурларимизни кенгайтиради. Аммо, чинакам санъат асари даражасини забт этиш учун бунинг ўзи етарли эмасдай туюлади. Таниқли мунаққид Норбой Худойберганов сўзлари билан айтганда: «Кўраяпсизми, сезаяпсизми, ҳаёт ҳақиқати, ниҳоятда, мураккаб, бой, ранг-баранг, хилма-хил мазмун касб этиб, ҳатто, ўзига хос илоҳийликни ҳам қамраб олиши, шубҳасиздир... Зотан, жаҳон миқёсидаги бадиий тараққиётга мосу хос кашфиётлар яратишга энди киришилмоқда. Уларнинг ... «соя»ларини дўндириб ташлаш қийин эмас..., бироқ, бу сифат эмас, сон, миқдор ўсишини таъминлайди. Бунга қарши кескин кураш олиб бориш керак».

Адабиётшунос олим ва мунаққид Умарали Норматов эса: «Чинакам санъат намунаси даражасига кўтарила олган асарлар ҳар доим кам бўлган, ҳозир ҳам шундай. Бу фикр фақат анъанавий реализм эмас, янгича йўналишга ҳам даҳлдор. Санъат ва адабиётдаги янгича изланишлар ардоққа, ҳимояга муҳтож. Тўғри, ижод, изланиш ҳамиша ҳимояга муҳтож, бироқ охир-оқибат бу соҳада бош ҳимоячи — изланиш самараси бўлмиш янги

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарнинг ўзи. У чин бадиий кашфиёт, юксак санъат намунаси бўлса, унга ҳеч қандаи куч панд беролмайди...», дейди.

Дарҳақиқат, бугуннинг ҳикоя ва қиссалари ранг-баранг услубий изланишлар натижасида эпик кўлам миқёсларини кенгайтириб, ўзбек насри тараққиётини таъминламоқда. Мустақиллик даврида яратилган ҳикоя ва қиссалар ижтимоий воқеликни тасдиқлаш ёки инкор қилиш эмас, уни бор зиддиятлари билан ҳаққоний тасвирлаш тенденцияси барқарор ижодий тамойилга айланганлигини кўрсатмоқда.

Малика Рустамова
ТДТУ тиллар кафедраси
ўқитувчиси

Шеъриятда тарихнинг бадиий талқини

Шоир Хуршид Даврон ижоди мисолида

Буюк аждодларимизнинг тарихи бугунги ҳаётимиз ва маданиятимизнинг туб илдизидир. Ёш авлодга тарихимизни ўргатишда 80-йиллар шеърияти, хусусан, Хуршид Даврон ижоди муҳим аҳамиятга эга.

Хуршид Даврон ўзининг илғор сафдошлари билан биргаликда, шеъриятга янги руҳ олиб кира олди. Шоирнинг ижоди 70-80 йиллардаги кўпдан-кўп қарама-қаршиликларни ва мураккабликларни ўзида ёркин акс эттирди. Хуршид Даврон ўша йиллардаги мураккабликларни «Жангчи ҳақида ривоят» шеърида ишоралар тарзида кўрсатган.

Ёв лашкари қадим тепадан
Ўққа тутар экан шаҳарни,
Жангчи қулаб тушди жангтоҳда
Қонга бўяб яшил ўтларни.

Шоир бу ерда жангчи мисолида ўзига ишора қиляпти. У мавжуд тузумга қарши курашда енгилмоқда. Чунки, у оғир яралор. Шунда унинг олдига аввал онаси, опаси, ёри, кейин отаси келиб уни ҳаётга қайтариш учун уринадилар. Лекин, ўғлидан бошқанинг сўзлари унга ҳаёт бағишлай олмайди. Ўғлининг сўзлари жангчини ҳаётга қайтаради ва у қайта жангга киришга аҳд қилади.

Жангчи ота кўзини очди,
Юрак тўлди яна нидога.
У ўғлини бошлаб, қиличин
Баланд тутиб кирди жангтоҳга.

Ушбу шеърда шоирнинг келажак авлод ҳақида қайғураётганлигини сезиб олиш қийин эмас. Фақатгина бу шеърида эмас, шоирнинг бошқа шеърларида ҳам виждон ҳаракатга айланган. Шунинг учун унда ҳаётга инқилобий муносабат туғилган. Хуршид Даврон шонли тарихимизнинг қаҳрамонлик саҳифаларига мурожаат этганда, ўзида ҳаёт ва дунё ишларига шундай инқилобий мунсоабатни шакллантириш ҳамда устувор қилишни назарда тутади, шу билан бирга, Ватанни англаш ва севиш туйғусини кучайтиради. Ватан фидоийлари бўлган эл қаҳрамонларини улуғлайди.

Мен кўксингга бошимни қўйдим,
Сен чеккан ғам, ҳасратда куйдим.
Суйдим сенинг Оқдарёнгни ҳам,
Ҳамда Қорадарёнгни суйдим.
Эй қалбимнинг онаси, Ватан!

Хуршид Даврон шеърларида ўзига хос сокинлик, юракни титратадиган дард яширинган. Бироқ, бу сокинлик жунбушга келиб, ниҳоят, ҳақиқат ойнасида ўзини кўрсатади. Китобхонни дунёга, ижтимоий воқеа-ҳодисаларга ҳушёрроқ қарашга, мушоҳада қилишга ундайди.

Озодлик!
Тилингда ҳайқириқ бўлган
Ким ўчирар қабртошлардан?!
Уйқусиз кўзингга тўлган
Тердай аччиқ, қонли ва шўр ёшлардан
Ким юзин ўгирар,
Ким кечади воз,
Ким уларсиз, битар тарих варағин?

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

НАЗМ

Абдулла Орипов. Шоирнинг даъватномаси 3

Маҳмуд Тоиров. Огоҳ бўл, дунё! Достон. 4

Жуманиёз Жабборов. Сен омон бўл, сен абад бўл, бул жаҳон гулзорида. 20

Анвар Юнус. Навоийхонлик. 30

Илҳом Аҳрор. Ой осмонда қолди барибир. 33

Файрат Мажид. Бир мунис ифорлар. 35

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Зомин қалдирғочлари. 27

УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР

Пиримқул Қодиров. Яшашнинг маъноси. 37

НАСР

Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Роман. 44

АМУ ОҲАНГЛАРИ

Ибройим Юсупов. Ватан, сени суюб-суюб ўтарман. 111

КИЧИК ҲИКОЯЛАР

Аброр Зоҳидов. Ҳикоялар 117

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Қуддус Муҳаммадий. «Табиат алифбоси» китобидан. 121

ЭҲТИРОМ

Соҳиба Ирисхўжаева. 101 ёшли эртакчи бобо.. 123

ЙИЛЛАР, ТАҚДИРЛАР, ВОҚЕАЛАР

Сирожиддин Аҳмад. Қаюм Рамазон армонлари. 125

ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО

Доктор Магди Муҳаммад Мурси. Миср шеърияти 140

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Рўзи Қодирий. Истиқбол гулин очиб, тутар бўстонинг барқарор 143

БУ ИШҚ СИРРИН КИТОБ ЭТДИНГ

Хожаназар Хувайдо. «Қаро тошлар су бўлди раҳм этиб оҳу фиғонимға». 146

ЁДНОМА

Боир Холмирзаев. «...Театр санъатининг қитъаси». 147

УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ

Асқад Мухтор. Бош сатрлар. 150

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Малика Рустамова. Насрда руҳият тасвири. 151

Нилуфар Мирзаева. Шеъриятда тарихнинг бадиий талқини.. 154

ГУЛҚАЙЧИ

Носир Фозилов. Ҳаётий ҳангомалар. 156

Компьютер таъминоти: Манзура Файзиева

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. * Обунага монеълик кўрсатилса ёки журнал ўз вақтида етиб бормаса Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Теришга берилди 20.12.2004 й. Босишга рухсат этилди 22.08.2005 й. Қоғоз бичими 70x108$^{1}/_{16}$. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1400 нусха. Буюртма № 1724

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.

700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41

www.ziyouz.com kutubxonasi